

Бугунги кунга бир назар



13:56 / 05.01.2025 1956

يَفَاطَمَ مَلَسَوُوهُ يَلَعُ هَلَلَا يَلَصُ هَلَلَا لُوسَرَرَزَّجَ: لَأَقُوهُ هَلَلَا يَضَرِّيَلَعُ نَعُ
مَلَعُوهُ يَلَعُ هَلَلَاوُ: يَأَسِّنُ لَاهَاوَرُ: رَحْذَاهُوشَحَ دَاسَوُوهُ بَرْقَوُوهُ لِيَمَخُ

Али розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Фотимага бир чийдухоба,
бир меш ва ичига изхир солинган болишни жиҳоз (сеп) қилиб
бердилар».**

Насий ривоят қилган. Аллоҳ олий ва билгувчироқдир.

Шарҳ: Оламларнинг саййиди бўлмиш зот Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг жигаргўшалари, аҳли жаннат аёлларнинг саййидаси Фотимаи Заҳро розияллоху анҳога қилиб берган сеплари қанчалик камтарона, қанчалик содда бўлганини қаранг.

Бу ҳолатни билгандан кейин бугунги кунга бир назар солайлик. Бошқаларни қўйиб туриб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга умматлик даъвосини қилаётганларга кўз ташлайлик.

Қиз бола туғилганидан бошлаб, емай-ичмай, едирмай-ичирмай сеп тўплаб, бўлган-бўлмаган нарсани йиғиб, жамлаб юрадиганларга нима дейиш мумкин?

Сеп масаласини никоҳнинг асосий ва марказий масаласига айлантирувчиларга нима деймиз?

Келиннинг эпига эмас, сепига қарайдиган қудаларга нима деймиз?

Сеп туфайли келиб чиқаётган уруш-жанжалларга нима деймиз?

Нима ҳам дер эдик. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўрнак олинг, оталар, деймиз.

Фотимаи Заҳродан ўрнак олинг, қизлар, деймиз.

Ҳазрати Али каррамаллоҳу ваҷҳаҳудан ўрнак олинг, куёвлар, деймиз.

Сеп масаласида тез-тез оилавий келишмовчиликлар чиқиб туришини кўзда тутиб, уламоларимиз бу масалани батафсил ёритиб берганлар.

– Маҳр деб берилган нарсанинг сепга ҳеч алоқаси йўқ.

Бир одам маҳрга минг динор берди. Одатда бунчалик кўп маҳр олган келин кўп сеп билан келар эди. Аммо бу келин оз сеп билан келди. Шунда эрнинг «Сен кўп жиҳоз билан келишинг керак эди», дейишга ҳаққи йўқ.

– Келин ўзи билан олиб келган сепига ўзи эга ҳисобланади. У нарсаларда эрнинг ҳаққи йўқ.

– Агар эр маҳрдан ташқари, жиҳоз олишга алоҳида пул берган бўлса-ю, келин ҳеч нарса олмай келса, эр талаб қилиши мумкин. Аммо маълум муддат индамай юрса, рози бўлган ҳисобланади ва кейин талаб қилишга ҳаққи қолмайди.

– Агар ота урф-одатга биноан, қизига сеп олиб берган бўлса, кейин уни қайтариб олишга ҳаққи йўқ. Ота вафот этганидан кейин бошқа меросхўрлар ҳам уни ололмайдилар.

– Ота қизи кичкиналик пайтида унга сеп бўладиган нарсани сотиб олиб берган бўлса, кейинчалик орада низо чиқиб, ота «Омонатга берган эдим», деса, қиз эса «Сепга берилган эди», деса, отанинг ҳужжат-далиллари бўлмаса, қизнинг гапи ўтади. Агар қиз вафот этганидан кейин низо чиқса, унинг эрининг гапи ўтади.

– Агар она отадан сўрамай, уйдаги нарсалардан қизига берса, ота индамаса, у нарсалар қизга сеп бўлади, қайтариб олиш мумкин эмас.

– Агар куёв қизнинг валийларига тўйни тезлаштириш учун бирор нарса берган бўлса, кейинчалик «Ўша нарсани қайтариб беринглар», дейишга ҳаққи бор. Чунки у нарса ришва – пора ҳисобланади.

Ҳамма муқаддималар қилиб бўлинганидан кейин эр-хотин бўлиб яшашдан олдин никоҳни эълон қилиш керак.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди